



18.01.2022 даги

Гулистон Нефтбаза МЧЖ ва Сардоба туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 14998342,81 сўм
умумий суммага тузилган 41 - сонли шартномага

ТҮЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб

Шахсий газна хисобварак

110

100022860242267065200110001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4252500		
Январь	4 950 690,80		4 950 690,80
Февраль	4 950 690,80		4 950 690,80
Март	5 096 961,21		5 096 961,21
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Жами йил бўйича	14 998 342,81		14 998 342,81

Жами 14998342,81 сўм

Ўн тўрт миллион тўқиз юз тўқсон саккиз минг уч юз қирқ икки
сўм 81 тийин
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки ____% *** шартноманинг умумий суммасидан
____% ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига ____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.



Буюртмачи бош бухгалтери

Турдиева З.К.

Ф.И.Ш.

(имзо)

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими кабул килди

(имзо)

«___» 20 ___ й.

Буюртмачи ходими
қабул килди

(имзо)

«___» 20 ___ й.

QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

№_____

12.01.2022-yil

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi: Sardoba tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan Guliston neft` bazasi mas'uliyati cheklangan jamiyat o'rtasida umumiyligi qiymati 14.998.342,81 (o'n to'rt million to'qqiz yuz to'qson sakkiz ming uch yuz qirq ikki so'm 81 tiyin) so'mlik Byudjet tashkilotlari va boshqa korxonalarga neft` mahsulotlari yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasi.
3. Loyerha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Mazkur shartnoma loyihasi Sardoba tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 12.01.2022-yilda kiritilgan.

XULOSA: Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonunining 10-14, 24-35-moddalari, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 26-27 boblari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Davlat xaridlari to'g'risida»gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida» 27.09.2018-yildagi PQ-3953-son qarori, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi «Davlat xaridlari to'g'risida»gi Qonuni talablari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Sardoba tumani
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsul'ti



B.S.Pakirov

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БОШҚА КОРХОНАЛАРГА
НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА**

2022 йил "18" январ

№ 41

Сардоба тумани

Кейинги матнларда "Етказиб берувчи" деб аталувчи "Гулистан нефт базаси" масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи директори Х.Туйчиев бир томондан ва кейинги матнларда "Истеъмолчи" деб аталувчи Сардоба туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари Турдиева Замира Қувоновна иккинчи томондан, ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги (автобензин, дизел ёнилғиси, мой маҳсулотлари ва бошқа турдаги нефт маҳсулотларини (кейинги ўринларда нефт маҳсулотлари деб юритилади)) нефт маҳсулотларини етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

Шартноманинг тахминий умумий суммаси **14.998.342,81** (үн тўрт миллион тўқиз юз тўқсон саккиз минг уч юз қирқ икки сўм 81 тийин) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан "Етказиб берувчи" томонидан бюджет ташкилотлари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Тошшахартрансхизмат" АЖ, майший чиққандиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) қарорда кўрсатилган вақтдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархлари бўйича нефт маҳсулотини сотиб олиш, ташиб келтириш ва нефт база устамаси қўшилган ҳолда сотилади. Мазкур корхоналарга бошқа турдаги нефт маҳсулотлари етказиб берилиши нефт базада шаклланган нархларда сотилади.

2.3. Ушбу шартноманинг 2.2.-бандидан ташқари бошқа барча корхона ва ташкилотларга етказиб бериладиган барча турдаги нефт маҳсулотлари нефт база томонидан биржа савдолари орқали нефтни қайта ишлаш заводларидан сотиб олиш, ташиб келтириш харажатлари ҳамда нефт база устамаси қўшилиб шаклланган нархларда сотилади.

2.4. "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмасини олган заҳоти етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қиласди. "Истеъмолчи" мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 банк куни ичida амалга оширади. Акс ҳолда "Етказиб берувчи" нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб келгусида ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига янги нархлар қўлланилади. Нарх ўзгарган кунгача харид қилинган, лекин "Етказиб берувчи"га тегишли бўлган ФЁТШ, АЁҚШдан олиб кетилмаган нефт маҳсулоти қолдиғига нисбатан ҳам янги нарх қўлланилади.

2.6. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловни "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

3. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари "Етказиб берувчи"нинг омборидан ёки унга қарашли ФЁТШлар орқали "Истеъмолчи"нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100 фоиз амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари "Истеъмолчи"га "Етказиб берувчи"нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек "Истеъмолчи" томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиб ҳаражатлари қайта кўриб чиқмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база омбори худудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун "Етказиб берувчи" жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қуилилган автоцистерналар ("Истеъмолчи"нинг автотранспортида олиб кетиш холатлари бундан мустасно) "Истеъмолчи"нинг талабига биноан "Етказиб берувчи"нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнida, ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан сўнг амалга оширилади. Нефтни

қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”ни бу ҳақда ҳабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

3.6. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг тасарруфида бўлган ФЁТШ ва АЁҚШлар орқали тегишли рухсатномалар билан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибида етказиб берилиши ҳам мумкин.

НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан қабул қилинади. Етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олишда “Истеъмолчи” вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган миқдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўриқномалар асосида амалга оширади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда АЁҚШ ва ФЁТШларда расмийлаштирилди ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик хукуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён этиш хавфи “Етказиб берувчи” омбори ёки АЁҚШ, ФЁТШ худудидан чиқсан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи” га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш хукуқига эга.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

6.2. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлади.

6.3. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Етказиб берувчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлади ва “Етказиб берувчи” олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик қийматини ундириш хукуқига эга.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлади, бироқ бу кечикирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

6.6. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжаларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмаидилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар белгиланган тартибида ўзаро келишув асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда, иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма равища бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Агар "Истеъмолчи" бюджет корхонаси, ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равища Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради (рўйхатдан ўтказиш "Истеъмолчи" зиммасида бўлади) ва 2022 йил 31 декабрь якунига қадар амал қиласди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

"Етказиб берувчи"

"Гулистан нефт базаси" МЧЖ
Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани,
Ёшлик қўргони.
x/p: 22604000700469737701
"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Яшнаобод филиали
МФО: 00432, ИИН: 200323074




Х.Туйчиев

"Истеъмолчи"

Сирдарё вилояти Сардоба туман Ободонлаштириш бошқармаси
Манзили: Сирдарё вилояти Сардоба тумани,
Наврӯз махалласи Дўстлик кўчаси 20 уй
x/p: 100022860242267065200110001
Марказий банк XKKM Тошкент ш
МФО: 00014, ИИН: 206946774



Бошлиқ :  3.Турдиева

"Гулистан нефт база" МЧЖ билан Сардоба туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 2022-йилда нефт махсулотлари
2022 йил "18" январ №/сонли шартномага

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	ЁММ номи	шартнома №	1 т нархи	ўлчов бирлиги	Жами		Шу жумладан							
					микдори	маблаги (сумда)	1		2		3		4	
							микдори	маблаги (сумда)	микдори	маблаги (сумда)	микдори	маблаги (сумда)	микдори	маблаги (сумда)
1	Дизтопливо ЭКО		11251570,0	т	1,333	14998342,81	1,333	14998342,81						
	жами				1,333	14998342,81	1,333	14998342,81	0,000	0,00	0,000	0,00	0,000	0,00

"Таъминотчи"

Гулистан Нефтбаза МЧЖ

Сайхунобод туман Ёшлиқ қурғони

х/р 22604000700469737701

ТОШКЕНТ Ш., "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ"

АТОБ Яшнобод филиали МФО : 00432 ИНН : 200323074

Рахбар _____



"Истельмолчи"

Сардоба туман Ободонлаштириш бошкармаси

ШХВ: 100022860242267065200110001

ШХВ: 100022860242267065200110006

ШХВ: 100022860242267065200110008

ИНН: 206946774 ОКОНХ 90290

Молия вазирлиги Ягона Газна хисобвараги

Марказий банк XKKM Тошкент ш. МФО:00014

ИНН: 201122919 Х/Р 23402000300100001010



Рахбар _____ 3.Турдиева